

“УЗУН ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ НАВБАТДАН ТАШҚАРИ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ 1-СОН БАЁННОМАСИ

Сурхондарё вилояти,
Термиз шаҳар, С.Оллоҳёр кўчаси 32 уй.

2026-йил 11-март.

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳар, С.Оллоҳёр кўчаси 32 уй, “Сурхондарёпахтасаноат” ҳудудий акциядорлик бирлашмаси акциядорлик жамияти маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 3 584 100 дона

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият тугатиш комиссиясининг 2026-йил 17-февралдаги қабул қилинган қарорга мувофиқ 2026-йил 11-мартда ўтказилиши белгиланган.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2026-йил 4-март.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядори 1 893 375 дона оддий, яъни 51,0 фоиз акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ номидан тугатиш комиссияси раиси Исломов Акмал Хақимович иштирок этмоқда.

А.Исломов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очик овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Исломов Акмал Хақимович - “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси раиси - йиғилишда раислик қилувчи;

2. Гулямов Нигматулло Қадирович-жамият Кузатув кенгаши аъзоси;

3. Қаюмов Махмуд Маннонович-жамият Кузатув кенгаши аъзоси.

Йиғилиш котиби этиб Х.Ҳайдаров-жамият тугатиш комиссиясининг аъзоси сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш каттабчиларини куллуб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси раиси Х.Ҳайдаровга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қозғалар Марказий Депозитарийси томонидан 2026-йил 4-март ҳолатига шакллантирилган “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 682 та акциядорга тегишли 3 584 100 дона акциялар қатнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 997 917 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 3 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 55,74 фоизини ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

Ў.Алиев - жамият тугатиш комиссияси раиси

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУН ТАРТИБИ:

1. “Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши регламентини ва санок комиссияси таркибини тасдиқлаш;
2. “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамиятини тугатиш муддатини 6 ойга узайтириш.
3. “Узун пахта тозалаш” АЖ тугатиш комиссиясини қайта тайинлаш тўғрисида.

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият тугатиш комиссиясининг 2026-йил 17-февралдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Жамият тугатиш комиссияси аъзоси - Хайдаров Хайрулла Ботирович, “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси-Қиличов Ўктам Менгнарлович ва “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ тугатиш комиссияси аъзоси Гулямов Нигматулло Кадировичларни киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“*Ёқлаганлар*” - 1 997 917 та овоз; “*Қаршилар*” - йўқ; “*Бетарафлар*” - йўқ; “*Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар*” - йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорларининг навбатдан ташқари умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

2. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1). Хайдаров Хайрулла Ботирович;
- 2). Қиличов Ўктам Менгнарлович;
- 3). Гулямов Нигматулло Кадирович.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб жамият томонидан 2026-йил 17-февралдаги 01-10/5-сонли мурожаат хати билан таништирди. Унда “Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025-йил 22-июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан ҳамда «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (Қонун) 98-моддасига асосан “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ихтиёрий тугатиш бўйича қарор қабул қилинганилиги маълум қилинган.

Бундан ташқари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21-августдаги 704-сонли қарорига асосан ўтган даврда қуйидаги ишлар амалга оширилди:

1. Барча қарздор ва ҳақдор ташкилотлар билан солиштирма далолатнома тузилди. Фақат дебиторлар “Шеробод пахта тозалаш” АЖ-269 473,0 минг сўм ва “Қизирик пахта тозалаш” АЖ-60 249,0 минг сўм, жами 329 722,0 минг сўм ундирилмасдан қолди.

2. Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида 2026 йил 01-январь ҳолатига 36723,8 минг сўмлик қарздорлик ва 1 734 677,04 минг сўм ортиқча тўлов мавжуд бўлиб, ушбу ортиқча тўловлар ҳисобидан аввал қарздорликка сингдирилиб, қолган қисмини бюджетдан қайтариб олиш бўйича хат берилди.

3. Жамиятда 1 286 355,2 минг сўм қолдиқ қийматга эга асосий воситалар сотилмасдан турибди. Ушбу асосий воситаларни 2026 йил ҳолатига қайта баҳолаб e-auction электрон савдо платформасига сотувга қўйиш ишлари амалга оширилмоқда.

4. Жамиятда меҳнатда майиб бўлганлар учун бериладиган тоvon пулларини жамият тугатилганидан кейин туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобига ўтказиш ва бунинг учун амалга ошириладиган тўловларга аниқлик киритиш ишлари олиб боришмоқда.

Тугатиш даврида акциядорлар умумий йиғилишида белгиланган харажатлар сметаси 631.346,7 минг сўм доирасида шакллантирилиб 558 656,02 минг сўм харажат қилинди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда жамиятни ихтиёриш тугатиш муддатини 6 (олти) ойга узатириш таклиф этилди.

Мухокамалардан сўнг йиғилиш раиси акциядорлардан “Узун пахта тозалаш” АЖни ихтиёрий тугатиш муддатини 6 (олти) ойга узайтириш бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Бўлганлар” - 1 997 917 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ; “Потўри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Қун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

Сурхондарё вилояти, Узун тумани, Жомий кўчаси 22-уй манзилида жойланган (СТИР: 201068447) “Узун пахта тозалаш” акциядорлик жамияти ихтиёрий равишда тугатиш муддати 6 (олти) ойга узайтирилсин.

Қун тартибидаги учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов сўзга чиқиб, “Узун пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш комиссияси аъзоларини қайта тайинлаш бўйича қуйидагиларни гапириб ўтди.

“Узун пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг 2025-йил 22-июлдаги навбатдан ташқари умумий йиғилиш қарорига асосан уч кишидан иборат, яъни тугатиш комиссияси раислигига Ў.Алиев ва комиссия аъзолигига эса жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар бўйича мутахассиси Х.Ҳайдаров, ҳамда жамиятда меҳнатик лавозимида ишлаб келган Қурбонов Муҳибуллолар сайланган эди. Тугатиш жараёнида юқорида қайд этилган ишларни бажариши учун ушбу сайланган тугатиш комиссияси аъзоларини қайта тайинлашни таклиф этди.

Кўшимча сўзга чиқган жамият акциядори ва Кузатув кенгаши аъзоси М.Қаюмов А.Исломовнинг таклифини маъқуллаб, юкоридаги номзодларни сайлашни таклиф этди.

Шунингдек, Жамиятни кейинги 6 ойликда тугатиш билан боғлиқ харажатлар сметаси лойиҳаси таништирилди.

Йиғилишда раислик қилувчи А.Исломов юкоридагиларни инобатга олиб, ушбу масала бўйича ўз муносабатларини бюллетень орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” - 1 997 917 та овоз; “Қаршилар” - йўқ; “Бетарафлар” - йўқ;
“Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар” - йўқ.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Узун пахта тозалаш” АЖнинг тугатиш комиссияси аъзолари қуйидаги тартибда қайта сайлансин:

- Тугатиш комиссияси раиси Алиев Ўткир Асатиллоевич;
- Тугатиш комиссияси аъзоси Ҳайдаров Хайрулла Ботирович;
- Тугатиш комиссияси аъзоси Қурбонов Муҳибулло Аллаевич.

2. Жамиятни тугатиш билан боғлиқ харажатлар сметаси тасдиқлансин.

3. Жамият тугатиш комиссияси раиси Ў.Алиевга:

- Бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар олдида 2026 йил 01-январь ҳолатига 36723,8 минг сўмлик қарздорлик ва 1 734 677,0 минг сўм ортиқча тўловлар ҳисобидан аввал қарздорликка сингдирилиб, қолган қисмини бюджетдан қайтариб олиш чоралари кўрилсин;

- “Шеробод пахта тозалаш” АЖ - 269 473,0 минг сўм ва “Қизирик пахта тозалаш” АЖ - 60 249,0 минг сўм, жами 329 722,0 минг сўм дебиторлик қарздорликни ундириш чоралари кўрилсин;

- Жамиятда меҳнатда майиб бўлганлар учун бериладиган товон пулларини жамият тугатилганидан кейин туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси ҳисобига ўтказиш ва бунинг учун амалга ошириладиган тўловларга аниқлик киритиш ишларини амалга ошириш чоралари кўрилсин;

- Давлат солиқ хизмати органи томонидан жамиятнинг молия-хўжалик фаолиятини текширишни (тафтиш қилишни) ўтказилиши таъминлансин;

- кредиторлар томонидан тақдим этилган талабларни, давлат солиқ хизмати органи томонидан ўтказилган текшириш натижаларини, шунингдек, тузилган ижро ҳужжатлари реестрини ҳисобга олган ҳолда оралик тугатиш баланси лойиҳасини тузсин;

- Жамиятда 1 286 355,2 минг сўм қолдиқ қийматга эга асосий воситаларни 2026 йил ҳолатига қайта баҳолаб e-auction электрон савдо платформасига сотувга қўйиш ишлари амалга ошириш, савдога қўйилган санадан бошлаб икки ой мобайнида сотилмаган мол-мулкни кредиторларга баҳолаш суммасида белгиланган навбатга риоя этган ҳолда мулк этиб қабул қилишни таклиф этсин;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин

қолган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминласин.

- Жамиятнинг ихтиёрий равишда тугатилишини 6 (олти) ойга узайтирилиши ҳақида оммавий ахборот воситаларида, корпоратив ахборотнинг ягона портали Open info.uz да ва жамиятнинг расмий веб-сайтига эълон берилишини таъминласин;

- Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунининг 100-моддасида белгиланган тартибда жамиятнинг кредиторлар билан ҳисоб-китоблардан кейин қолган мол-мулкни акциядорлар ўртасида тақсимланишини ва тугатиш билан боғлиқ бошқа чора-тадбирларни амалга оширилишини таъминлаш.

Ўнгилишда расмлик қилувчи:

 А.Исломов

Ўнгилиш котиби:

Х.Ҳайдаров

Ўнгилиш баённомаси 2026-йил “19” мартда 2 нусхада тузилди.